



НАВОИЙ

АФОРИЗМЛАР

Катталар
ЎТУБЎНДАШ

А. НАВОИЙ

АФОРИЗМЛАР

ЎзССР „ЎРТА ВА ОЛИЙ МАКТАБ“ ДАВЛАТ НАШРИЁТИ
Тошкент — 1961

Тузувчи
Ю. Эшонқулов

Агар арпа ҳам сочса бўлмоққа тўқ,
Анга буғдой ўрмоқни имкони йўқ.

Агар кимсадин зоҳир ўлса ёмон,
Кўрар ҳар неким, зоҳир этди ҳамон.

Агар отинг йўқтур, арпа ғамин емассан.

Агар тилни осрамоқ кўнгилга меҳнатдур,
Аммо сўзни сийпамоқ бошга офатдур.

Агар тузлик¹ ўлса кишининг иши,
Не васф² айлай олгай ишини киши.

Агар яхшилик кимга афъолдур,
Жазоси анинг ганжи иқболдур.

Агар қилмади эл ҳимоят санга,
Узингдин керакдир шикоят санга.

Айлар ишингга чу бўлур дастрас³,
Вақтидин ўткарма ани бир нафас.

Айлама ўз раъйинга кўп эътиқод,
Муътаман⁴ эл раъйидин иста кушод.

¹ *Тузлик* — тўғрилиқ.

² *Васф* — таърифлаш, мақташ.

³ *Дастрас* — имконият.

⁴ *Муътаман* — ишончли.

Айтур сўзни айт, айтмас сўздин қайт.

Андинки нафс комидур, нафсоният мақомидур.

Ани англа муфлиски, йўқ ҳиммати,
Чу йўқ ҳиммати, йўқ анинг ҳурмати.

Англағил аҳбоб қадринким, алар бўлмай ненаф,
Гар сенга афлок авжи узра тахти жоҳдур¹.

Ато² ҳам турфа³ ишдур, турфaroқ ул —
Агар йўқдир анинг ёнида миннат.

Боқмаса деҳқон чаманин туну-кун,
Нахл⁴ тарин, онгла, қуруғон ўтун.

Барча лаззатни татдим, офиятдин⁵ чучукроқ
шарбат топмадим.

Бармоқ учи бирла чу чиқмас тикан,
Игна била қутулур ондин бадан.

Бемор муштаҳига саломат нишонидур,
Чун тан дуруст муштаҳи эрмас, зиёнидур.

Бергали олмоқ ишидин бўл йироқ,
Бермак учун олмаганинг яхшироқ.

Бермас татвил⁶ чу сухандон сўзга,
Қил мухтасар улча бўлғай имкон сўзга.

¹ Жоҳ — бу ерда: мартаба маъносида.

² Ато — ҳада.

³ Турфа — бу ерда: яхши маъносида.

⁴ Нахл — ёш дарахт.

⁵ Офият — соғлиқ.

⁶ Татвил — чўзиш, узайтириш.

Беша¹ шерин гар забун қилсанг, шужоатдин эмас,
Нафс итин қилсанг забун, оламда йўқ сендек
шужо.

Бийиклик² келди ҳимматдин нишона,
Ки ҳимматсизни паст этди замона.

Бировгаким, бировдин етди офот,
Ҳамоноким қатифроқдур мукофот.

Бировки, тама риштаи³ қилғуси,
Унинг бирла бўғзидин осилғуси.

Бировким, анга ҳиммат ўлди баланд,
Эрур одам аҳли аро аржуманд⁴.

Бировким бўлур бир аёқ⁵ ош учун қул,
Юзига керакдур қозоннинг қороси.

Бир деганни ики демак хўб эмас,
Сўз чу такрор топди дилкаш эмас.

Бир дирам⁶ олмоқ чекибон даст ранж,
Яхшироқ андинки, биров берса ганж.

Бир сўз этиб шунча балиятни даф,
Ким сочибон ганж, етишмай бу наф.

Бир шажару⁷, юз гул ила шеваси,
Турфаки, юз нав бўлиб меваси.

¹ Беша — ўрмон.

² Бийиклик — буюклик.

³ Ришта — ип.

⁴ Аржуманд — бу ерда: ҳурматли.

⁵ Аёқ — бу ерда: коса.

⁶ Дирам — танга.

⁷ Шажар — дарахт.

Бирта ўтмак¹ни икки бўлиб ярмин бир очга
бергани сахи де.

Бир хати гар эгри тушар бир нуқат,
Нусхада ҳар сафҳададур² эгри хат.

Бошни фидо айла ато қошига,
Жисмни қил садқа ано бошига.

Тун-кунунга айлагали нурпош³,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.

Бўлма малул⁴ ўлса кенгашда талаш,
Усру⁵ узун доғи керакмас кенгаш.

Бўлмас адабсиз кишилар аржуманд,
Паст этар ул хайлни⁶ чархи баланд.

Бу гулшан ичра йўқдир бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от.

Бурунги йиллар ошлиқни яхши асрангким,
Сўнгги йилларда ярағай.

Бу дамни ориф эсанг яхши тутки, жоҳил иши —
Етишмаганга-ю ўтганга қилу-қол ўлғай.

Бўлса ғаминг жонингга солма алам:
Бир ғам эрур бас, емагил икки ғам.

¹ Утмак — нов.

² Сафҳа — саҳифа.

³ Нурпош — нур сочувчи.

⁴ Малул — хафа.

⁵ Усру — жуда, ғоят.

⁶ Хайл — гуруҳ.

Бўриғаки, қўй бўғмоғи пешадур,
Шубон меҳнатидин не андишадур?

Вале ҳар киши бўлса аҳли уқул,
Тааммулсиз¹ иш ақли этмас қабул.

Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранж, ғурбат ҳавас айлама.

Гар бўлса ишинг кўброғи, ё озроғи зеб,
Зоҳирдин эрур сутуда² ботиндоғи³ зеб.

Гарчи таваккулсиз эрур азм суст,
Машваратсиз⁴ қилма таваккул дуруст.

Гарчи қуёшдин парвариш олам юзига ом⁵ эрур,
Саҳрода қомғоғу тикан, бўстонда сарвугул битар.

Гар иш ғайри мавқида мавжуд эрур,
Қиши ҳарнаким қилди, мардуд⁶ эрур.

Ганж бериб бўлмос экан тутса кўз,
Улча қилур, вақтида бир яхши сўз.

Гавҳару дурни қулоқ озори бил,
Сўзни қулоқнинг дури шаҳвори⁷ бил.

¹ Тааммулсиз — ўйловсиз, мулоҳазасиз.

² Сутуда — мақтовли.

³ Ботин — ички.

⁴ Машварат — маслаҳат.

⁵ Ом — бу ерда: барабар маъносида.

⁶ Мардуд — бу ерда: фойдасиз маъносида.

⁷ Шаҳвор — бу ерда: қиммат баҳо маъносида.

Гулга саҳар вақти берур жилва боғ,
Кечга етушсанг, терар ўғлон ушоғ.

Дамингдин йироқ тутмагил ҳушни,
Қи юзланмагай ҳар дам офат сенга.

Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил,
Ҳам жонларига мояи дармон бўлғил.

Десангки, таомим зойи бўлмагай, едур
Ва тиласангки, либосим эскирмагай, кийдур.

Доғ кўруб кўксунга иста фароғ,
Қўйма маломат била доғ узра доғ.

Емас элки, амвол¹ аро бўлса фарқ,
Алар бирла муфлислар² ичра не фарқ?

Ёмон била яхши оросида фарқдир,
Икки кеманинг учин тутган фарқдир.

✓ Ёмонларга лутфу карам, яхшиларга мужиб³
зарар ва аламдур.

Ёмонларга шиор ва яхшиларга андин ордур.

Ёрки, бор анда вафо, ёр бил!
Умр деган ёри вафодор бўл!

Ёрсиз эл оҳи ғами андуд эрур,
Ёнса ёғоч ёлғуз, иши дуд эрур.

Ёяр анга суфраки, ул оч эмас,
Берур анга тўнки, яланғоч эмас.

¹ Амвол — мол-мулк маъносида.

² Муфлис — камбағал.

³ Мужиб — сабабчи.

Ёрики тегар бировга, озори анинг,
Ақл олида тенгдуру йўқу, бори анинг.

Ешурун қолмас ўғурлик уй ароким бўлса ёш.

✓ Жаҳон илмики букун менга ёд эрур,
Анга борча жаҳл аҳли устод эрур.

Жаҳон аҳлига чун шиор ўлди жаҳл,
Эрур борчанинг аксини тутган аҳл.

Жаҳл аҳли била кимгаки улфат бўлғай,
Ул улфати ичра, юз минг офат бўлғай.

Жоҳу мол аҳлида йўқ меҳру вафо
Бас, менга меҳру вафо мол ила жоҳ.

Жунуним¹ манъ қилдинг ул пари ишқида, э носих²,
Киши девона бўлса яхшироқ юз қатла ким аблаҳ.

Зер дастларга наф еткур, агар тиласангким
Забардастлардин зарар кўрмагайсан.

Зеб ила турфа ҳаргиз ўлмас уй,
Бўлмаса анда турфа кадбону³.

Зевар кишига не тожу, не афсар⁴ бил,
Ул зевар адаб била ҳаё дархўри бил.

Итдин кийикка ва мушукдин кабутарга шафқат
маҳолдур.

¹ *Жунун* — жиниялик.

² *Носих* — насиҳатчи.

³ *Кадбону* — рафиқа.

⁴ *Афсар* — тож.

Икки қадам ёнғуча етгач алам,
Саъй¹ қилу, илгари қўйғил қадам.

Икки қаро пул, чекибон даст ранж,
Яхшироқ андинки, шаҳ инъоми ганж.

Инсон ани билки, ком эрур анга салоҳ,
Тил ҳифзида бил зумран инсонга салоҳ.

Иш эрур улким, ўзи они қилур,
Ҳикмат улким, ҳам ўзи они билур.

Ишидин анга ҳосил ўлмос фароғ,
Емай кўп узун кеча дуди чароғ.

Ишқ ахтаридур дурахшанда, башарият кўзин
нури ва сафоси андин.

Ишқ сени қилса, Навоий, ҳалок,
Пок эса ул ишқ, ўлумдин не бок².

Иззати ҳаддин кам эса хўб эмас,
Ҳаддидин ортиқ дағи марғуб эмас.

✓ Йигитликда йиғ илмининг махзани,
Қарилиқ чоғи харж қилғил ани.

Йиллар тутубон шайх мақолотига гўш,
Не кўнглима завқ етти, не жонима жўш.

Йилонни киши тутса сар кўфта³,
Балодин қилур ўз йўлин рўфта⁴.

¹ Саъй — ҳаракат, интилиш.

² Бок — қўрқинч, хавф.

³ Кўфта — янчмоқ.

⁴ Рўфта — тозаламоқ.

Йилон жайбаро¹ солмоқ, этма ҳавас,
Ким охир йилондур, бу тасбиҳ эмас.

Йўқ ҳунари, ёлғиз эса ўз киши,
Қайда киши сонида ёлғиз киши.

Кабутарни росув қилурда ҳалок,
Анга тифл² ўзин ўлтурурдий не бок?

Коминг учун туз бўлу, адл айла иш,
Ўқда агар адл йўқ, этмас равиш.

Камол эт касб ким, олам уйидин,
Сенга фарз ўлмагай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотаом ўтмак биайниҳ³,
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

Катакда қолиб бўрдагон макиён,
Не маълум учмоқда суду⁴ зиён.

Кеча ичмак маю, кундуз демак ичманг они,
Ҳикмат ичра бу эрур яхши сифат, э воиз.

Ки деҳқон неким, дона, мазру этар,
Ани ўк урар, чунки вақти етар.

Ким эгри эса тузлук эмас, поя⁵си ҳам,
Бор ўзидек, эгри суду сармояси ҳам.

Ки ҳар ким аён этса яхши қилиқ,
Етар яхшилиқдин анга яхшилиқ.

¹ Жайб — кисса.

² Тифл — ёш бола.

³ Биайниҳ — айнан.

⁴ Суд — фойла.

⁵ Поя — қадр, мартаба.

Ки ҳар ранжидин сўнг бўлур роҳати,
Таабсиз муяссар эмас ишрати.

Ким бўлса ҳунарсиз, иши ўк ранжи эрур,
Бу важҳ ила кимга ҳунари ганжи эрур.

Ким бўрилиғ этса ковла они,
Ул ер ити бирла овла они.

Ким истаса салтанат, саходур анга шарт,
Ҳам ваъдага айласа, вафодур анга шарт.

Кимгаки, инсоф йўқ инсон эмас,
Мунсиз атворида жуз нуқсон эмас.

Кимгаки, эрлик асари ёрдур,
Бир демас, ар қилгани минг бордур.

Ким кинавар ўлса, иста андин қочмоқ,
Нечунки зарур дурур ёмондин қочмоқ.

Кимки, чини эл аро ёлғон дурур,
Ёлғони чинлиққа не имкон дурур?

Кимки ўзи айлади ёлғон сўзин,
Кизб¹ дер эл, чин деса, қолғон сўзин.

Кимники айлай дер эсанг маҳраминг,
Қўп синамай айламагил ҳамдаминг.

Кимники билай десанг, мақол²ин англа,
Аслин десанг англайин, фиол³ин англа.

¹ Кизб — ёлғон.

² Мақол — сўз, вутқ.

³ Фиол — қилиқ (лар).

Киссангда агар дирам йўқ,
Кўнгилда кисабурдин ғам йўқ.

Ким қуёш нурини ниҳон қилди,
Бадр'ни мис табақ гумон қилди.

Ким қилди қатиглиқда вафодош сенга,
Ул бўлди ҳабиблар ичра қўлдош сенга.

Киши айбинг деса, дам урмоғилким, ул эрур
кўзгу,
Чу кўзгу тира бўлди, ўзга айбинг зоҳир айларму?

Киши бўлса ҳам, филмасал тавъамон²,
Бўла олур ул яхши-ю, бул ёмон.

Киши таълимдин топса малолат,
Топар илм аҳли олинда хижолат.

Киши ўз мадҳин деса, чин доғи бўлса нопи-
санддур.

Кўп олтин, кумуш сори қўл солмоғил,
Ки тутсанг кафингни қаро занг этар.

Кўрмак аввал демакда осонлиқ —
Ки эрур, сўнгги бас пушаймонлик.

Кўрган киши ўткарур забона;
Куйган киши кўргазур нишона.

Кўрмага сен йўл аро ранжу надам,
Ҳар қадами ўрнига қўйсанг қадам.

¹ Бадр — тўлиқ ой.

² Тавъамон — эгизак.

Кўзима ҳар дам ёруғроқтур юзингни кўзгуси,
Хосият мундоқ эмиш, ҳар кимда бўлса пок ишқ.

Кўнгил алил эса, фориг эмас хавотирдин,
Жароҳат узра йиғилмоқ дурур чибинга ҳавас.

Кўнгилда тил синони¹ жароҳати бутмас,
Анга ҳеч нимаи марҳам ерин тутмас.

Ким хўйи ёмон бўлса, машаққатдур анга,
Ким хўйи анинг яхши, ғаниматдур анга.

Кимсага ёлғончи дебон қолса от,
Бу от ила, гар десалар ўзу-ёт.
Сидқ хитоби яна ёнмас анга,
Чин деса ҳам халқ инонмас анга.

Кимсани бот айламагил аржуманд,
Ҳам яна оз иш била қилма нажанд².

Кулгуки, ўз ҳадидин ўлди йироқ,
Йиғламоқ андин кўп эрур яхшироқ.

Лола-ю гулким совирур девбод³,
Қўйса бўлурму анинг отин жавод⁴?

Лек мундин кўп совуқдир, ашк тўкмак зўр ила,
Дай елида қатра-қатра муз томизғон ел каби.

Моласиз ул тухмки, деҳқон сочар,
Сувни тенг ичмас неча яксон сочар.

¹ Тил синони — тил найзаси.

² Нажанд қилмоқ — хўрламоқ.

³ Девбод — қуюн, қаттиқ шамол.

⁴ Жавод — сахий.

Моллиқ подонни демаги,
Олтуилуғ чибиннинг емаги.

✓ Маъдани инсон гуҳари сўздурур,
Гулшани одам самари сўздурур.

Мевага мағз ўлса, бўлур пўст ҳам,
Кимсага ҳам душман эрур дўст ҳам.

Меъда ўзи хўрдидаги ошни,
Ҳазм қилур, йўқки ушоқ тошни.

Меҳнат аро ҳар кимки, таҳаммул¹ йўқ анга,
Тарвижга² мутлақо тахайюл³ йўқ анга.

Мўр терар ҳар неки сочғай киши,
Бўлди тирик гўрға кирмак иши.

Мулойим такаллум ваҳшиларни улфат сари
бошқарур.

Мулк ила ўзни демагил аржуманд!
Мулки қаноат била бўл сарбаланд!

Музҳик⁴ эрур маст чу айлар хуруш,
Сўзни тааммул била дер аҳлиҳуш.

Нодон пандида ғалат муқаррардир
Ва душман насиҳатида фириб мутасаввар⁵.

Нодонлик эрур элда маломатга далил,
Доно улус олдида хижолатга далил.

¹ Таҳаммул — чидам.

² Тарвиж — ривожлантириш.

³ Тахайюл — ҳаёл қилиш.

⁴ Музҳик — кулгили.

⁵ Мутасаввар — аниқ.

Носихи содиқки, эрур беғараз,
Бил анга оламда топилмас иваз.

Нафинг агар халққа бешак дурур,
Билки бу наф, ўзинга кўпрак дурур.

Нафқа била нафсни тутма дариг,
Жонинга ифрат ила ҳам урма тиг.

Нафс амрида ҳар неча ким, толпинғасен,
Кўп гарчи бутунлик тиласанг сингасен.

Нафским, ул айши мудом истагай,
Сенга гунаҳ, ўзига ком истагай.

Нақдни гулдек доғи совурмоғил,
Гунча киби доғи гиреҳ урмоғил¹.

Нахлга деҳқон чу берур парвариш,
Бўлур анга меваю — гул бермоқ иш.

Не андоза ғам, не ҳадсиз сурур,
Керак ишда ойини хайрул умур.

Нечаким, хирад ичра бўлса ками,
Йилондин ёмонроқ эмас одами.

Неча маразғаки, эрур суд² қанд,
Нечага ҳам захр эрур судманд.

Неча зарурат аро қолган чоғи,
Чин демас эрсанг, дема ёлғон доғи.

Неким қилди жоҳилки, эрди ёмон,
Тутиб аксини топдим андин амон.

¹ Гиреҳ урмоқ — бу ерда: тутиб қўймоқ маъноснда.

² Суд — фойда.

Неча бўлса ёлғончи эл аржуманд,
Сўзи анжуман¹ ичрадир нописанд.

Неча ганж ичра бўлса, гавҳару-дур,
Қўрки бордур анинг калиди темур.
Қуфл очарда гадоу соҳибн тож,
Тенг бўлурлар калидга муҳтож.

Неча самар² сочмоқ эса шох иши,
Қўпроқ отар тош анга терган киши.

Нечаки ҳақ лутфидин ўлди зафар,
Саъйни ҳам-бил сабаби мўътабар.

Не феълики келди бировдин ёмон,
Ёмонлик кўрардин анга йўқ омон.

Не ишким шаҳ топиб андин навойи,
Вале юз қатла ор этгай гадойи.

Не қушким баланд ўлса парвоз анга,
Ҳалок истамас новак андоз⁴ анга.

Не қушким, бўлса ҳимматдин қаноти,
Эмас паст ошъёнга илтифоти.

Не сирфа деган киши тили қотилидур,
Алқиссаки, кимсанинг балоси тилидур.

Нукта дурин бил қулоқ оройиши,
Кенг ўтук ўлди аёқ осойиши.

¹ Анжуман — бу ерда: суҳбат маъносида.

² Самар — мева.

³ Музир — зарарли.

⁴ Новак андоз — ўқ отувчи.

Одам ўлғон, зеби-зоҳирдин демас,
Кимки андин фахр этар, одам эмас.

✓ Одами эрсанг, демагил одами,
Оники, йўқ халқ ғамидин ғами.

Оғзинга келган такаллум риштасин чекма узун,
Ким бу ишдин сар нигунлиқ юзланиб, нуқсон
келур.

Олам элига ҳаёт эрур тузликдин,
Этмоқ ғаразига бот эрур тузликдин.

✓ Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлинг бир-бирингизгаки, эрур ёрлиғ иш.

Оламда дўстлиқ киши душмансиз бўлмайди
Ва аҳбоблиқ одами адувсиз бўлмайди.

Олмоқ эрур қасд анга, бермоқ ғараз,
Бул ҳам ул иккидек эрур бир мараз.

Олтин исирғаки, қулоқ оғритур,
Зарҳал ўтукдирки, аёқ оғритур.

✓ Оми табибким, эрур шогирди жаллод,
Ул тиг била ва бу заҳр била ҳалок қилғувчи
бедод.

От анга тортарки, юз илқиси бор,
Сим анга берурки, юз илғиси бор.

Оз иш учун тунду итоб айлама,
Қатлу сиёсатда шитоб айлама.

Ошиқ ани билки, эрур дарднок,
Ҳам тилу, ҳам кўзу, ҳам кўнгли пок.

Поядин ортиқ киши урса қадам,
Бийим йиқилмоқдиру, ранжу, алам.

Парвонани ишқ этмаса маст,
Урғайму ўзини ўтқа пайваст?

Розни асра чунки фош этдинг,
Яна пинҳон бўлурни қилма ҳавас.

Ройи эсанг, тут бу нафас яхши пос,
Ҳар қўйини ўз аёғидин ос.

Раиятга қилса қаламзан ситам,
Қаламзаннинг илгини қилсун қалам.

Ростдур улким, назари тўғридур,
Ким илиги эғридур ул ўғридур...

Сочмоқ овуч бирла гуҳар от учун,
Нақд этак бирла мубоҳот учун.
Ақл ҳисобидин эрур бас йироқ,
Бухл бу жудингдин¹ эрур яхшироқ.

Сола олмас эл ошига бир нахудгар,
Туз ўлмас унинг бирла эл ороси.

Совуқда қочибон ўт шуъласидин,
Тезак дуди сори қилмакдур оҳанг.
Киши зуҳд ичра майдин тавба айлаб;
Нишот ойин хаёл истаб емак банг.

¹ Жуд — бу ерда: сакхйлик маъносида.

Саодатманд ул йигитдурким, шаҳватга майл
қилмас
Ва бесаодат қарининг илигидин худ ҳеч иш
келмас.

Сабр била кўп боғлиғ иш очилур,
Ишда ошиққан кўп тойилур.

Сафиҳ¹ золим ила бўлма хон уза ҳамдаст,
Муносиб ўлмади ит чунки ҳамтобоқлиққа.

Саъй ишиким ўз ўрнида бўлмағай,
Қилур ишда коҳилликдин² ёмонроқ.

Сарвким, ул тўғри чекиб қоматин,
Қўрмайин осиб замон офатин.

Сенга бор эса сўз билурдин мазоқ,
Ўзим сари боқма, сўзум сари боқ.

Синса қаламнинг шакидин бир учи,
Ожиз ўлур нома рақам қилғувчи.

Сўралдиким, не нима дурким фойдаси барча
халойиққа етар, дедиларким: ёмонларнинг
йўқлиғи.

Сўзни кўнгилда пишқармагунча тилга келтурма
Ва ҳар неким, кўнгилда бор — тилга сурма.

¹ Сафиҳ — ақлсиз, водон.

² Коҳил — суст, секин.

Сўзки маънисида ишқ ўти бўлмағай,
Бир таҳарруксиз¹ бадан англаки, жони бўлмағай.

Сўзчи ҳолин боқма, боқ сўз ҳолини,
Кўрма ким дер они, кўргил ким не дер.

Сўз гуҳариға эрур анча шараф,
Ким бўла олмас анга гавҳар-садаф.

✓ Сўзда, Навоий, не десанг, чин дегил,
Рост наво нағмаға таҳсин дегил.

Сўз ора ёлғон киби йўқ нописанд,
Айлар ани назмда доно писанд.

Сўзки васфида ҳар наमत бўлғай,
Рост бўлса доғи ғалат бўлғай.

Сипаҳ хотирин лутф ила шод қил,
Раиятни адл айлаб, обод қил.

То режа чекмас ерига боғбон,
Боғ ҳамон зебда чангал ҳамон.

Толпинса чиқар ғариқ юмкин,
Толпинмаса ўлмағи не мумкин.

Топтинг чу иёл² яхшилик еткурғил,
Ўргат адабу, яхши қилиқ ўргатғил.

Топса киши бодия³ ичра зулол⁴,
Олтун аёқ қайдау, синғон сапол.

¹ Таҳарруксиз — ҳаракатсиз, жонсиз.

² Иёл — хотин, оила.

³ Бодия — чўл, саҳро.

⁴ Зулол — сув.

Топсанг неча шахлар узра шахлик,
Фақр аҳлига айла хок раҳлик.

Тааммул била ком пайдо бўлур,
Таҳаммул била ғўра ҳалво бўлур.

Табиатга ҳар неки одат бўлур,
Чу эскирди одат табиат бўлур.

Тадриж¹ ила тифл ўлур храдманд²,
Сокинлик ила қамиш бўлур қанд.

Такаллум била кимса инсон эрур,
Сўзи йўқ баҳойим³га не сон эрур.

Ташналаб бўлма баҳр ёнида,
Қилма шеван⁴ тараб⁵ маконида.

Тахайюл аро борча бир нав эмас,
Ҳадисин ики кимса бир нав демас.

Телва ўзин ўтга солса ногоҳ,
Куймак ишидин қочондур огоҳ.

Тифл йилон нақшига мойил дурур,
Заҳрини билмаски, ҳалоҳил дурур.

Тифл ҳижо билмай ўқув чун савод,
Қил ўқурин зеру забар эътиқод.

¹ *Тадриж* — аста-секинлик.

² *Храдманд* — ақлли, доно.

³ *Баҳойим* — ҳайвон.

⁴ *Шеван* — нола, фиғон.

⁵ *Тараб* — шодлик.

Тил илдамидин бўлур ғаромат ҳосил,
Юз нав маломату, надомат ҳосил.

Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз.

Тинч кўнгил бирла қатиқсиз умоч,
Беҳки биров миннати бирла кулоч.

Тулки ва ит кулги эшигин очар,
Шер кўрингач, улус андин қочар.

Тушса қадаҳ аро бўлур мўр,
Тадбир керак чиқарга йўқ зўр.

Тутайким буюк тоққа чиқсин паланг,
Тўлун ойга сакраб етургайму чанг?

Тухми тамаъки хорлиқ ўлмиш унинг бари,
Сен бўйла хор тухмин экиб, қилма гул тамаъ.

Тузлик эрмас шифосию вояси ҳам,
Ким эгрик кишининг эгридур сояси ҳам.

Улча эрур тифлға шойиста иш,
Билки кичикликдин эрур парвариш.

Улки буюриб, ўзи қилмағай
Ва ҳеч кимга фойда ва асар анинг сўзи
қилмағай.

Уч кишидин уч иш ёмон кўринур,
Сенга арз айлай аҳл дунёдин:
Шоҳдин тундлик, ғанидин¹ бухл,
Молга майлу, ҳирс донодин.

¹ Ғани — бадавлат.

Улки санга элдин эрур айбгў,
Элга доғи сендин эрур айбжў.

Улка хаёли бори фосид¹ дурур,
Борча салоҳ² аҳлига ҳосид дурур.

Улки хато сўзига ойин эрур,
Зуъмда улким, бу хато чин эрур.

Улки ушатур босибон шишани,
Қилмас аёқ заҳмидин андишани.

Улки зарар шевасини тавр этар,
Элга демаким, ўзига жавр этар.

Улус бўлса маъмур бир ганж эрур,
Ки андин жаҳон фатҳи осон бўлур.

Ушоқ қанд тузга монанд эрур
Ва лекин бири туз, бири қанд эрур.

Фаҳм айла ҳолини сўз демагидин,
Ким берди хабар ҳадиси кўнглидагидин.

Фард³ киши даврда топмас наво,
Ёлғиз овучдин ким эшитмиш садо?

Хотири жам истасанг, аввал хавотир дафъин эт,
Кимда хавотир бўлмаса, осувда хотир бўлғуси.

¹ Фосид — бузуқ.

² Салоҳ — аҳши.

³ Фард — ёлғиз.

Хайр муяссар гар эмас эл била,
Нафъ етурмоқ ҳам эрур тил била.

✓ Халойиққа кўрма, қилиб бенаво,
Ўзингга раво кўрмагани раво.

Худпараст — бадпараст.

Хуш улким, агар чекса минг хори дард,
Сўнгги тушса илгига бир тоза вард.

Чу душман ўлди қадими зиёнидин ҳазар эт,
Агарчи нутқи равон бахши жонга роҳат эрур.

Чун синса кўнгил захм забон оғриғидин,
Кам эрмас анинг оғриғи жон оғриғидин.

Чун Навоий кўнгли синди энди лутфинг не осир,
Ким ушалса шишани, бутмас яна пайванд ила.

Шоҳ ани билким боши қалпоқда,
Базл этар офоқ берур чоқда.

Шоҳ бир шуълан фурузондир,
Ҳар кишига етишса сўзондир.

Шоҳки иш адл ила бунёд этар,
Адли бузуқ мулкни обод этар.

Шоми ажал уйда ётмос киши,
Умр куни гўрга ботмос киши.

Шам ёрутур уй ичу тошини,
Уй эгаси кўпроқ узар бошини.

Шах тилар бўлса шоҳлик қилмоқ,
Сипаҳидин керакмас айрилмоқ.

Эронлар хизматига кимки умрин сарф этар,
Агарчи умри кетар, аммо жовид умрга етар.

Эрур қушга хушроқ, чу боқсанг аён,
Мурасса қафасдин тикан ошъён.

Эшик ит еридур, гар олсун бўри,
Мушукка мақом ўлди уйнинг тўри.
Гар ул дашт сайдини айлар фигар
Ва лекин бу уй, сайдин айлар шигар.

Эки, дерсан ишқ аро ўлмак зиёндур умр суд,
Ҳарна судидур сенга, неким зиёнидур менга.

Эл қочса бировдин, эл ёмони бил ани,
Аҳвалида идбор¹ нишони бил ани.

Юз йилки киши умр тилар, бил —
Ким, сабр керакдур юз йил.

Яхшироқ Жамшид бўлмоқдин гадолик дайр аро,
Ўзга қилмоқ яхшироқким, ўзгага қилмоқ ситам.

Яғоч узра гар бўлса юз минг янғоқ,
Кўмар ерга ҳарне ўғурлоди зоғ.

Яхшилиғи айламасанг иш чоғи,
Айламагил бори ёмонлиғ доғи.

¹ Идбор — бахтсизлик.

Уларман то етарман мақсадимни ёнмоқ имкон
йўқ,

Бадан заъфи била йўқ шиддатидин, гарчи
толғайман.

Уликни биров нутқи этса тирик,
Агар ҳақдур ул нукта, бордур ирик¹.

Уқларинг кўнглимга тушгач, куйди ҳам кўз, ҳам
бадан.

Ким куяр ҳўлу қуруғ, чун найистон² га тушди ўт.

Узинга аблаҳу нодонни айлама ҳамроз,
Ки яхши эрмас эшак доғи ҳамсобоқлиққа.

Ўз камолидин демас аҳли камол,
Аҳли нуқсон ичрадур бу қилу-қол.

Ўғри бош экгач қуйи, бордур далили эътироф.

Қачон сочса тупроққа буғдой биров,
Йўқ имконки ул, арпа қилғой гаров.

Қатрага чун тарбият этди садаф,
Эл бошига чиққуча топди шараф.

Қардашинг эмас, улки, қўйиб бош сенга,
Давлат чоғи қилғай ўзин қўлдош сенга.

Қасд ила ёлғон демади ростгўй,
Чин демади саъй ила каззоб хўй.

Қайси кўнгулники макон этти ишқ,
Ўтдин ани лаълга кон этти ишқ.

¹ Ирик — бу ердаг қаттиқ маъносиди.

² Найистон — қамишзор.

Қил яхшилигу, демакни дохил қилма,
Миннат била яхшиликни ботил қилма.

Қўйни шубон асрамаса ою йил,
Оч бўрилар туъмасидур бори бил.

Қўзғама булбулни кўп, э гулки, даврон боғида,
Қолмамиш қўзғолмайин улким бировни
қўзғамиш.

Қулаққа асра гаронмоя сўзни-ю фикр эт,
Ки дурсиз ўлса не бўлғусидур садаф ҳоли.

Ғафлат аро хуш кўрибон хуш дема,
Вақиф ўлиб сўнгра пушаймон ема.

Ғофил ўлма назардин итса адув,
Шам ўчирганда ел кўрунурму.

Ғолиб душмандин ҳар дам ғофил қолма,
Ўчиралмас исён ўтин ўз ҳарамингга солма.

Ҳар амрки бўлса ғояти бор,
Ҳар муҳликанинг ниҳояти бор.

Ҳар киши ким бировга қозғай чоҳ,
Тушқай ул чоҳ уза ўзи ногоҳ.

Ҳар киши ким тузлук эрур пешаси,
Кажрав эса чарх, не андешаси.

Ҳар киши ким ростни беҳост дер,
Айтса ёлғон доғи эл рост дер.

Ҳар киши олам элида хўб эмас,
Ҳар кишининг ҳар иши марғуб эмас.

Ҳар кишининг ким сўзи ёлғон эса,
Айлама бовар неча ким чин деса.

Ҳар кимгаки илм қилу-қоли бўлмас,
Илм аҳлига сўз дерга мажолн бўлмас.

Ҳар кимсаки айламас ошуқмоқни хаёл,
Ёфроғни ифак қилур, чечак баргини бол.

Ҳар кимки ачиқ бўлди сўзи, анфоси,
Бор суҳбатидин халқнинг истиғноси.

Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар,
Ҳар нечаки ағёр дурур ёр айлар.

Ҳар неча мазлум сўзи топса тул¹,
Тулу ҳаёт истасанг, ўлма малул.

Ҳар нечаки кимса фақр помоли² эса,
Ғам йўқтур сафо кўнгли оли эса.

Ҳарнаки етар санга лисон³ оғриғидин,
Билгилки қотиг дурур бу синон оғриғидин.

Ҳам сўз ила элга ўлимдан нажот,
Ҳам сўз ила топиб ўлик тан ҳаёт.

Ҳимматсиз киши эр сонида эмас
Ва руҳсиз баданни киши тирик демас.

¹ Тул топмоқ — чўзилмоқ, узаймоқ.

² Помол — эзилиш.

³ Лисон — тил.

Хусну жамолсиз киши ширин калом эса,
Сайд айлар элни нукта фасоҳат била деса.

Хунар аҳли ани дегилки бўлғай,
Узини қилса ўз олинда маъюб¹.

¹ *Маъюб* — айбдор.

На узбекском языке

А. НАВОИ

АФОРИЗМЫ

*„Средняя и высшая школа“ УзССР
Ташкент — 1961*

Редактор *М. Собирова*
Бадий редактор *Ҳ. Аҳмаджонов*
Тех. редактор *С. Ахтамова*
Корректор *Н. Рихсиева*

Теринга берилди 11/1-1961 й. Босишга рухсат этилди 3/II-1961 й.
Қоида 84>1061/32. Физик босма л. 1,0. Шартли босма л. 1,64.
Нашр. л. 0,97. Тиражи 25000.

ЎзССР "Орта ва олий мактаб" давлат нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси.
Шартнома 316/1960. Баҳоси 3 т.

ЎзССР Маданият ва олимлар ишлари ўзлаштиришнинг 1-босмаҳонаси,
Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21. 1961 й. Заказ 845.